

ТАНИШИНГ: КУТУБХОНАШУНОСЛИК СОҲАСИНИНГ ЎТКИР БИЛИМДОНИ ВА МОҲИР РАҲБАР — ЗУҲРА БЕРДИЕВА



Осмондаги юлдузларни кузатмаган одам бўлмаса керак. Кимдир уларнинг жилоларидан завқланиб, тез-тез уларга кўз ташлайди, Кимдир адашмаслик учун уларнинг жойлашишига қараб йўл танлайди. Яна кимдир улардан ўзининг ва оламдан ўтиб кетган ота-онасининг тимсолларини излайди. Ёзувчи ва шоирлар эса ўзларининг руҳий ҳолатини юлдузларнинг нур таратишига қиёс қилишади ва бошқалар. Хуллас, ҳаммининг юлдузлар билан алоқаси бор, чунки улар инсоният оламига қандайдир маънода қувват бағишлайди. Мен Зухра Бердиевани ҳаммага наф келтирадиган юлдузга ўхшатгим келади. Унинг исми жисмига монанд. Зеро, кўп ҳолларда исм тақдирни белгиласа, ажаб эмас.

Зухра — моҳир раҳбар. У Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасининг директори сифатида бир неча йиллардан бери фаолият юритиб келмоқда. Зухранинг ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан инсонларга ёрдами кўп тегади: амалий ёрдами шундаки, унга мурожаат қилган ҳар бир одамга “йўқ” дейишни билмайди, қўлидан келганича уларнинг мушкулени осон қилади, албатта, бунда бировнинг манфаатини, қадрини топтамасдан адолат билан иш кўради.



*Москвалик кўзга кўринган кутубхонашунос
Т.Каратигина, у Зухранинг устозларидан бири*



Москвалик, Беларусиялик ҳамкасблари ва устозлари билан. Москва, 2014 йил.

Зухра Бердиеванинг назарий ёрдами нималарда намоён бўлади, дейсизми? Унинг ёзган илмий ишларида. Бу илмий ишлар кутубхоначилик соҳасининг барча жабҳалари ҳақида бўлиб, уларнинг ютуқ ва муаммоларини таҳлил қилиб, илмий ва амалий ечимлар таклиф қилади. Агар унинг илмий фаолияти билан танишиб чиқсак, маълум бўладики, 70 дан ортиқ мақола, 8 та библиография, 5 та биобиблиография яратган ва 9 та асарга муҳаррирлик қилган.

Мақолаларининг мавзулари билан танишайлик: “Мангулик руҳи: Алишер Навоий асарлари ва у ҳақдаги адабиётлар библиографияси ҳақида”, “Навоийни ўқий оламизми?”, “Энамнинг ўғитлари”, “Ишбилармонлик мезони: (Сирдарё вилояти.кутубхонаси иш тажрибаси ҳақида)”, “Қуръони каримнинг янги нашри”, “Кутубхонада фандрайзинг”, “Абдулла Қодирий номидаги ТДМИ Асосий кутубхонасида яратилаётган электрон каталогнинг ҳозирги аҳволи”, “Кутубхонада нима гап?”, “Алишер Навоий асарларини библиографиялаш масаласи ва унинг истиқболлари”, “Ахборот-кутубхона марказларида библиографик ахборотлаштириш”, “Маданий тарбия муаммолари: Аёл – китобхон ва бола”, “Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида кутубхоначи ходимлар малакасини ошириш”, “Китоб даволовчи аёл: Фарғона АКМ ходими Н.Степановна Гарольд ҳақида”, “Китоб дунёси” керакми?” “Мен энг яхши китобхонман,” “Кутубхона – тараққиёт бешиги”, “Ахборотга талаблар ва ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқиш”, “Фидойи касб соҳиблари”, “Китобхонларда ахборот

технологияларидан фойдаланиш маданиятини тарбиялаш ва шакллантириш”, “Кутубхоначи шахси муаммоси. Кутубхоначи касбининг психологик муаммолари”, “Баркамол авлод тарбиясида миллий электрон ахборот ресурсларининг ўрни”, “Ёш китобхонлар тарбиясида электрон ахборот ресурсларининг ўрни”, “Назариядан амалиётга: ёки ёшларнинг битирув малакавий ишлари нашр этилди”, “Заҳматкаш олима эди (Х. Маматримова ҳақида)”, “Корпоратив ахборот — кутубхона муассасаларининг ўзаро алоқалари = Корпоративное взаимодействие с информационно-библиотечными учреждениями Corporate cooperation with information-library institutions”, “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ахборот-кутубхона муассасалари корпоратив тармоғини яратишнинг истиқболи”, “Ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказлари тўғрисидаги Намунавий Низомлар”, “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Abduq‘anievich Karimovning asarlarining to‘liq ma‘lumotlar bazasini yaratish”, “Ўзбекистон фани ва илмининг ривожига Фанлар академияси Асосий кутубхонасининг ўрни”, “Корея кутубхоналаридан лавҳалар”, “Меҳр билан ўқилса китоб”, “Мутолаа стресс ҳолатини 60 фоиз камайтиради”. Муковада “Китоб — энг яхши ўқитувчи, тарбиячи, шифокор” номи остида сурати берилди, “Биринчи ўзбек кутубхонашунос олимаси: Осиё Қосимова хотирасига бағишланади”, “Библиограф олим: (Муса Маматович Туропов)”, “Китобхонлик шарафи: давра суҳбати” /Орипов Д. ёзиб олди, “Ўқиш маданияти — шахс ахборот маданиятининг таркибий қисми сифатида” каби илмий мақолаларининг мавзулари Зухра Бердиева ўз касбига фидойи ва ўткир билимдон шахс эканлигига далилдир.

У мақолалар билан биргаликда олий ўқув юрти талабалари ва коллежлардаги “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” бўлими ўқувчилари учун, амалиётчилар учун соҳага оид қуйидаги ўқув-услубий ва ўқув қўлланмаларини ҳам яратган:

1. Адабий ўқишларни тайёрлаш ва ўтказиш методикаси: Методик тавсиялар (Услубий қўлланма, 1989).

2. Адабий викториналар: (Савол-жавоб ўйинлари): Тайёрлаш ва ўтказиш методикаси (услубий қўлланма, 1989).

3. Библиография: (Умумий библиография): Маданият коллежлари учун ўқув қўлланма. (лотин ёзувида) ҳамкорликда, 2007).

4. Қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар библиографияси (ўқув қўлланма, 2008).

5. Международные библиографические МАРК форматы (учебное пособие, 2008).

6. Китобат санъати (ўқув қўлланма, ҳамкорликда, 2008).

7. Kutubxonashunoslik: Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. – 2-nashri, 2013)

8. Bibliografiya: (Umumiy bibliografiya) Madaniyat, san‘at va pedagogika kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma, (qayta ishlangan 2-nashri, 2013).

9. Bibliografiya: (Umumiy bibliografiya) Madaniyat, san‘at va pedagogika kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma, (qayta ishlangan 3-nashri, 2015)

10. Kutubxonashunoslik: Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma (qayta ishlangan 3-nashri, 2015).

Бу рўйхатдан кўринадики, Зухра Бердиева – кутубхонашунослик фанининг ҳамма соҳалари бўйича маҳоратли мутахассис. У кутубхонашуносликнинг ўзи бўладими ёки библиография, ёки китобатчиликми – қаерда нимага эҳтиёж бўлса, ўшани қондириш имконига эга. Шунини таъкидлаш лозимки, у яратилган ўқув қўлланмаларини бир неча марта қайта нашрга тайёрлайди. Бунда олдинги нашрларда йўл қўйилган камчиликларга барҳам беради ва янги маълумотлар билан бойитиб боради. Библиография тузиш жуда мураккаб иш. Зухра бу ишнинг яна бир мураккаброқ варианты – биобиблиографиялар яратиш соҳасида ҳам асарлар яратган. Фикримизнинг далили сифатида бир неча мисоллар келтирамиз: “Алишер Навоий асарлари бўйича 1979, 1980, 1981 йиллардаги нашрларига” ва “Муҳсин Алиев: Туғилган кунининг 60 йиллигига” (1990) ҳамда “З.М. Бобур ва бобурийлар библиографияси” (2014) каби библиографиялар тузган бўлса, Алишер Навоий асарларининг 1982-1991 йилларни ўз ичига олган ва 1991 йилда нашр этилган “Алишер Навоий: (1441-1501 йй.): Туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан” биобиблиографиясини яратган. Шунингдек, “Абдулла Қаҳҳор” (1989), “Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек: туғилган кунининг 100 йиллигига” (2005)”, “Рамз Бобожон” (2010), “Азизхон Пўлатович Қаюмов: биобиблиография. 90 йиллигига” (2016) каби биобиблиографиялари ҳам эътиборга сазовор. Кўринадики, у биобиблиография тузиш ишларини 1979 йилда бошлаган бўлса, йиллар ўтиши билан унинг тажрибаси ошиб, маҳоратли библиографга айланди. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда китобхонларнинг илмий фаолиятида, турли соҳада олиб бораётган ишларига яқиндан ёрдам берувчи илмий-ёрдамчи библиографик кўрсаткичлар тузиш қўлидан келадиган малакали библиографлар бармоқ билан санарли даражада. Зухра Бердиева ҳозирги кунда кўзга кўринган библиограф ҳамда устоздир.

Зухра Бердиева фаолиятининг яна бир қирраси унинг муҳаррирлик ишлари бўлиб, бундай иш ўта масъулиятли ҳисобланади, чунки у ёки бу китобни ҳаётга йўлловчи шахс – муҳаррир бўлади. Уни ҳамма ҳам амалга ошира олмайди. Муҳаррир бўлиш учун нашрга тайёрланаётган асарнинг

мавзусини, ғоясини, аҳамиятини яхши билиш талаб қилинади. Қуйида Зухранинг муҳаррирлик қилган асарлари рўйхатини келтирамиз:

1. Умарова М. Ойбек асарлари оммага. Ўқув-услугий қўлланма, Республика Китобсеварлар жамияти, 1985.

2. Алимова А. Кутубхонашунослик: 3 томлик. Дарслик, Илм-зиё, 2005.

3. Зиёдуллаева Н. Маънавият гулшанига қадам қўйдим. Тўплам. А.Навоий номидаги ЎзбМК босмахонаси, 2008.

4. Бугибоев Э. Ахборот-ресурс марказларида автоматлаштирилган кутубхона тизимида ишлаш: (ТУИТ ELIB 1.0 интеграллашган кутубхона ахборот тизими). Ўқув-услугий қўлланма. Алоқачи, 2010.

5. Акрамов Ш., Акрамова А.Ш., Юнусов А.Б., Мухамедова Л.М. Политическая наука. – 2-изд. Учебно-методический комплекс. Тип. ФБАН, 2012.

6. Г.Сатторова, М.Музаффарова. Бахтиёр Аминович Назаров: Биобиблиография. ФААК босмахонаси, 2015.

7. З. Бердиева ва Н.Жалолов. Вафонинг ифбат йўли: Кибриё Қаҳхорова ҳақида замондошлари. Тўплам. Ўзб.ФА АК босмахонаси, 2016.

Кўринадики, у турли мавзудаги асарларга муваффақиятли муҳаррирлик қила олган, бу билан уларнинг нашр қилинишига ўзининг баракали ҳиссасини қўшган.

Зухра Бердиева жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Фикримизнинг далили сифатида у ҳақида ёзилган мақолаларга, эшиттиришларга ва кўрсатувларга тўхталамиз.

1. С.Олимов З.Бердиевнинг навоийшунослик бўйича яратган библиографияси ҳақида “Навоийшунослик сарҳисоби” деб номланган тақризини ёзган. (Ўзбекистон маданияти, 1980, 7 июнь.) Юқорида Зухранинг навоийшунослик бўйича тузган библиографияси қайд қилинган. Ушбу тақриз уларни умумлаштириб, хулоса беради.

2. Кормилицин А.И. Зухра Шукуровна Бердиева. Библиотековеди и библиографи Узбекистана: Очерки и воспоминания. 2005. Ушбу китобнинг номи ҳам кўрсатадики, Зухра Бердиева Ўзбекистоннинг энг таниқли кутубхоначилари ва библиографлари қаторига киритилади. Бу, демак, унинг номи тарих зарварақларидан муносиб ўрин олганлигини кўрсатади.

3. Раупов Х. Китоб-илоҳий мўъжиза (орқа муқовада расми билан) Гулистон, 2005, 5-сон. Ушбу мақолада Зухра Бердиевнинг кутубхонашунослик маҳорати ҳақида фикр юритилади.

4. Маматраимова Х. Адиб хотирасига библиографлар тухфаси. Kutubxona.uz. 2011, 1. Ушбу тақризда Зухра Бердиевнинг библиограф сифатида қилган хизматлари очиб берилади.

5. Авазова Н. Камалак жилоси: Эркин Воҳидов биобиблиографияси ҳақида. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2012, 4 май. Бу тақризда Зухра Бердиеванинг биобиблиографиядаги ўзига хослиги намоён қилинган.

6. Каримова М. Шошил, инсон, ўтмоқдадир вақт: Зухра Бердиева. Аёл яратган дунё: (Ўзбекистоннинг фидойи аёллари) 2012. Бу мақола Зухраҳон мисолида Ўзбекистон фидойи аёлларининг ҳаёти манзаралари ҳикоя қилинади ва бундай ҳаётнинг ибратли томонлари кўрсатилиб, мақола билан танишган одамни шундай яшашга чорлайди.

7. Каримов Илҳом. Нурхона ибрати. Жамият (Бизнинг суҳбат), 2012, 9 ноябрь. Кўринадики, республикамизнинг нуфузли газеталаридан бири Зухра Бердиева билан суҳбат уюштириб, нурхона – кутубхонанинг ибратли томонларини унинг берган маълумотлари асосида намоён қилади.

8. Наримонова И. Зухра Бердиева. JANNAT-MAKON, 2012, 4 сон. Ушбу мақоланинг қаҳрамони Зухра Бердиева эканлиги таъкидланиб, сарлавҳа ҳам унинг номи билан аталган. Унда қаҳрамонга хос барча сифатлар очиб берилган.

9. Алимов С. Библиографияшуносликда янгилик: Бобур ва бобурийлар библиографияси ҳақида. KUTUBXONA.-UZ, 2015, № (27). Маълум бўладики, Зухра Бердиева Бобур ва бобурийлар биобиблиографияси мисолида библиографияшуносликда янгилик яратган. Бу янгилик нима эканлигини билишни хоҳлаган мутахассис бу мақолани, албатта, топиб ўқиши керак.

Булардан ташқари, Ўзбекистон радиоси ва телевидениесида ҳам у ҳақида эшиттириш ва кўрсатувлар бериб борилади. Агар ўтган йилда телевидениеда “Обод маҳалланинг обод оиласи” номи билан унинг оиласи ҳақида хужжатли фильм намойиш қилинган бўлса, бу йил – 2017 йил август ойида у билан кутубхонашунослик ихтисослиги бўйича суҳбат ташкил этилди. Бу кўрсатувларни кўрган ҳар бир одам Зухра Бердиева деган ажойиб бир кутубхонашунос, библиограф яшаб ижод этаётганини, у ўз ишининг устаси, ўз оиласининг меҳрибон ва ғамхўр бекаси, фарзандларининг жонкуяр онаси ва умр йўлдошининг севимли рафиқаси эканлигидан хабар топади. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳамда шахсий ибрати бизни Ватан учун шундай яшашга ва бунёдкорликка ундайди. Шундай инсонлар бор бўлсин ва кўпаяверсин. Ана шунда, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек, “Биз ҳеч кимдан ҳеч қачон кам бўлмаймиз”.

Султонсаидова Саодат
Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.